

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ БИОМЕТРИК ХУЖЖАТИГА ЭГА БЎЛГАН ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КИРИШДА ВИЗАСИЗ РЕЖИМНИ БЕЛГИЛАШ ВА ВИЗА РЕЖИМИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (кейинги ўринларда – БМТ) билан ўзаро ҳамкорлиги доимий равишда кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. БМТ билан ўрнатилган олий ва юқори даражадаги алоқалар мунтазам ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон БМТнинг Бош ассамблеяси ва бошқа ихтисослаштирилган муассасалари фаолиятидаги ўз иштирокини фаоллаштирди.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ ва унинг тузилмалари билан барча долзарб йўналишларда ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш, халқаро молия институтлари билан алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, БМТ ходимларининг Ўзбекистон Республикасига ташриф буюриши учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2020 йил 1 январдан бошлаб БМТнинг биометрик хужжатига (қизил рангли Laissez-Passer паспорти) эга бўлган чет эл фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгилансин.

2. Белгилансинки: БМТнинг биометрик хужжатига (мовий рангли Laissez-Passer паспорти) эга бўлган чет эл фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига кириш визалари Ўзбекистон Республикасидаги тақлиф қилувчи томоннинг тақлифнома хати асосида 2 иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан расмийлаштирилади;

БМТнинг биометрик хужжатларига (қизил ёки мовий рангли Laissez-Passer паспорти) эга бўлган ва Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган чет эл фуқароларида бир вақтнинг ўзиде амал қилиш муддати БМТнинг биометрик хужжатлари амал қилиш муддатидан кам бўлмаган миллий паспорти (ҳаракатланиш хужжати) бўлиши лозим.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги: бир ой муддатда мазкур Фармон қоидалари тўғрисида БМТни хабардор қилсин, шунингдек, БМТнинг биометрик хужжатлари (қизил ва мовий рангли Laissez-Passer паспортлари) намуналарини, бундай хужжатлар ва уларнинг ҳимоя элементлари батафсил тавсифини сўраб олсин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенциясига (Нью-Йорк, 1946 йил 13 февраль) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши мақсада мувофиқлигини ўрганиб, натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига асосланган тақлифлар киритсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 24 декабрь

ГРАНТ МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 декабрь куни грант маблағларини фаол жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилаш, шу мақсадда грантлар, техник ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар билан алоқаларни ривожлантириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 10 октябрдаги "Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш механизmlарини ва донорлар билан ишлашни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида бу борада янги вертикал тизим яратилди. Грантларни мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, донорлар билан ишлаш бўйича Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги

ваколатли орган этиб белгиланди, вазирликда янги департамент ташкил этилди.

Йиғилишда ҳозиргача мавжуд бўлган камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Масалан, ҳозирда мамлакатимиз бўйича 667 миллион доллар грант ҳисобига 160 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Лекин ушбу лойиҳалар ҳолати, маблағларни ўзлаштириш самарасини баҳолаш, мақсадли ишлатиш устидан назорат механизми йўқ. Грантлар ҳисобига ишга туширилган объектлар ва ускуналардан, лойиҳалар доирасида орттирилган тажрибадан самарали фойдаланилмаяпти. Илм-фан, инновация, экология каби соҳаларга грантлар кам жалб этилаяпти.

Шу боис грант маблағларини фаол жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича навбатдаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Ҳар бир устувор соҳа ва тармоқ бўйича янги грант маблағларини жалб этиш юзасидан топшириқлар берилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига грантлар ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳаларнинг натижадорлигини баҳолаш бўйича янги тизим яратиш вазифаси қўйилди.

Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига хориждаги ваколатхоналар билан биргаликда халқаро донор ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги,

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2020 йилда грантлар жалб этиш бўйича "йўл хариталари" ишлаб чиқиши, бу маблағлар устувор мақсадларга ва аниқ лойиҳаларга йўналтирилиши зарурлиги таъкидланди.

Мисол учун, соғлиқни сақлаш тизими бўйича онкология, болалар хасталиклари ва ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар, лабораториялар ташкил этиш каби устувор йўналишларга Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, JICA, KOICA каби донорлар маблағларини жалб қилиш мумкин.

БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фондига ҳам грантлар келишини кўпайтиришга доир кўрсатмалар берилди.

Беғараз ёрдам ҳисобига хорижий мутахассислар ва волонтерларни жалб этиш кўламини кенгайтириш, улар билан давлатий мулоқот олиб бориб, тажрибасидан фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

Жорий йилнинг 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларнинг натижалари бўйича қатор халқаро ташкилотларнинг миссиялари ва хорижий мамлакатларнинг делегациялари кузатувларининг дастлабки хулосаларига доир баёнотлар билан чиқди.

Марказий сайлов комиссияси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ЕХҲТнинг Парламент Ассамблеяси миссиясига, ШҲТ, МДҲ, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши миссияларига ва барча халқаро кузатувчиларга Ўзбекистон Республикасига сайловларни адолатли, ҳалол ва шаффоф, умумэтироф этилган стандартлар ва энг мақбул амалиётлар, мамлакатимизнинг сайловлар соҳасидаги мажбуриятларига биноан ўтказишда кўрсатган гоат улкан ёрдами учун самимий миннатдорлик билдиради.

Ўзбекистон Республикасидеги сайловларга биринчи марта мисли кўрилмаган даражада кўп халқаро кузатувчилар ва хорижий давлатларнинг кузатувчилари, чет мамлакатлар оммавий ахборот воситаларининг вакиллари тақлиф этилди. Сайловларда жами 50 дан ортқ хорижий давлатдан ва 10 та халқаро ташкилотдан 800 дан зиёд кузатувчи, шунингдек, чет мамлакатларнинг 130 дан ортқ оммавий ахборот воситаси вакиллари мониторинг ва ёритиш ишларини олиб борди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг

сайловларни чинакам демократик тамойиллар асосида ўтказишга, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун барча шароитни таъминлашга қатъий амал қилаётганининг ёрқин далилидир.

Марказий сайлов комиссияси халқаро кузатувчиларга ва хорижий давлатларнинг кузатувчиларига Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш йўлида муҳим босқич бўлган парламент сайловларига таёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида мамлакатимиз томонидан амалга оширилган кенг кўламли ишларни ҳолис эътироф этганлари учун чуқур миннатдорлик изҳор этади.

Сайловларнинг Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йили бошланган ва Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётини босқичма-босқич ўзгартириш ва юксалтиришга йўналтирилган кенг кўламли ислохотлар жараёнида ўтказилгани халқаро кузатувчиларнинг миссиялари ва делегацияларнинг баёнотларида ҳақли равишда алоҳида таъкидланган.

(Давоми 2-саҳифада)

Янги йилнингиз муборак бўлсин!

Ўтаётган 2019 йил иқтисодийётимизнинг барча тармоқларидаги каби ветеринария ва чорвачилик соҳасида ҳам улкан ўзгаришларга, изчил ислохотларга бой йил бўлди. Соҳада заҳматқаш ветеринар ва чорвадорлар орқиб кутган янгиликлар, туб бурлишлар амалга оширилди.

Хусусан, дастлаб Президентимизнинг 2019 йил 28 мартдаги "Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан Давлат ветеринария қўмитаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилди ҳамда унинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Шунингдек, 2019 йил 28 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори билан қўмитанинг барча ташкилий тузилмалари тасдиқланиб, фан билан амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида қатор институтлар қўмита таркибига ўтказилди ҳамда чорвачилик ва наслчилик ишларини янада ривожлантириш мақсадида "Ўзбекчорванас" агентлиги ташкил этилди.

Бундан ташқари, соҳага илмий ёндашуви ташкил этиш ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш учун Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳамда унинг Тошкент ва Нукус филиаллари, шунингдек, Нукус ветеринария техникуми ташкил этилди. Ушбу тарихий хужжатлар билан республикамизда ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги ягона давлат сиёсатини юритиш механизми яратилди. Буларнинг барчаси ўтаётган 2019 йилда давлатимиз раҳбарининг ветеринария ва чорвачилик соҳаларига қатта эътибор қаратганлиги билан тарих зарарларига муҳрлангани шубҳасиз.

Қадрли юрдашлар! Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни, жумладан, юртимизда фаолият олиб бораётган барча ветеринар ва чорвадорларни ақинлашиб келётган "Янги йил" байрами билан самимий кутлайман. Кириб келётган 2020 йил ҳам ана шундай файзли ва баракатли келсин! Сизларга соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака ва ишингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Баҳромжон НОРҚОБИЛОВ,
Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Сиз "ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"га обуна бўлдингизми? Ҳали ҳам кеч эмас, ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Тел.: (71) 236-26-50, (71) 233-40-87.
Факс: (71) 233-09-93,
e-mail: info@qishloqhayoti.uz



Андижон вилояти

Рақобат бор жойда барқарор юксалиш бўлади

Жалақудуқлик миришкорлар "Алёртекс" пахта-тўқимачилик кластери билан ҳамкорликнинг биринчи йилидаёқ салмоқли натижаларга эга бўлдилар

Пахта йиғим-терими айна қизғин паллага кирган чоғда Ёрқишлоқ массивидаги "Обод водий салтанати" фермер хўжалигида бир теримдаёқ ҳосилдорлик гектар ҳисобига 40 центнердан юқори бўлди. "Алёртекс" пахта-тўқимачилик кластери раҳбарияти илғор фермер Қобилжон Кўзиевга "Нексия-3" русумли енгил автомобиль совға қилишга қарор қилганлигини маълум қилди. Айна дамда вилоят ҳокими Шухрат Абдурахмонов мазкур ҳудуддаги боис, фермерга автомобиль калитини ўзи топширди.

Мукофот ҳақиқий эгасини топди, — деди меҳнат фахрийси, ҳамқишлоқларининг таъбири билан айтганда, жонли энциклопедист Муталибжон ота Махмудов. — Қобилжон фермер бўлибдики, ҳар мавсумда тадбиркор деҳқон эканлигини кўрсатади. Атрофга қулоқ тутсам, кўплаб фермерлар

фаолиятида ҳосилдорликни 40 центнердан ҳам ошириш одатий ҳолга айланибди.

Отахоннинг шоирона лутф билан сўзлаш ҳар қандай суҳбат-суҳбатда Муталибжон Махмудов деҳқончиликнинг кечаги ва бугунги кундаги кўринишига тўхталди.

Унинг айтишича, Жалақудуқда Шомурод Олимов, Абдулхамид Абдулазизов, Юсуфжон Сотволдиев каби эл назарига тушган деҳқонлар яратган тажриба мактаби фермерлик шароитида яна юзага чиқа бошлади. Икки йилдирки, "Ёрқишлоқ" массиви бўйича ҳосилдорлик наинки туманда, ҳатто вилоятда ҳам энг юқори кўрсаткич бўлмоқда.

Маълумотларга қараганда, 31 нафар фермер ҳосилдорликни 40 центнердан оширган, 23 та фермер хўжалигида бу борадаги натижа 35-39 центнерга етган. Янада қувонарлиси, аксарият фермерларнинг далаларида тайёрланган ҳосилнинг барчаси фақат биринчи навга қабул қилинган. Даромад ва буромад борасида барча хўжалик-



ларда аввалги йилларга нисбатан илбий ўзгариш салмоғи юқори бўлган.

Баҳорда 6218 гектар майдонга деҳқонлар синовидан ўтган ва юқори сифатли тола бериш хусусиятига эга бўлган гўзанинг "Анджон-36" нави асосий майдонларга экилди. Шартнома бўйича жалақудуқликлар 18900 тонна пахта хом ашёси тайёрлашлари белгиланган. Ҳақиқатда эса бу кўрсаткич 21798 тоннага еткази-

либ, режа 115,33 фоизга бажарилиди. Режадан ортқча 2898 тонна пахта тайёрланганлиги замирида фермерлар ва пахта-тўқимачилик кластери ўрта-юқори доирада келган ўзаро тушуниш — рақобат муҳити мавжудлиги намойён бўлиб турибди. "Фермерга даромад, кластерга эса сифатли тола" кераклиги мавсум давомидаги меҳнат жараёнида кун тартибидан тушмади.

(Давоми 3-саҳифада)

Наманган вилояти

Янги қонун - Ёш авлод камолотида муҳим ҳужжат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялли мажлисида сенаторлар томонидан 17 та масала, шу жумладан, 11 та қонун кўриб чиқилди. Яқинда матбуотда эълон қилинган “Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонун ана шулардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Наманган вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Солихон Мўминов мухбиримизга янги Қонуннинг мазмун моҳияти хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

– Мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш масаласига гоят устувор вазифа сифатида қаралмоқда, – дейди у. – Бу ўринда муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан мақтабгача таълим тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Айниқса, мақтабгача таълим тизimini ривожлантиришга жиддий эътибор берилмоқда. Алоҳида вазирилик ташкил қилиниб, болаларни боғчаларга қамраб олиш борасида мавжуд иқомиятлар ишга солинди. Давлат муассасалари билан биргаликда хусусий мақтабгача таълим тизими ҳам шакллантирилди. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда маъқулланган “Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги янги Қонун бу борада қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди. Қонунда мақтабгача таълим

ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, мақтабгача таълим ва тарбия олишга доир давлат қарорлари аниқ белгилаб берилди. Мақтабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг рўйбга чиқарилишини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирилик, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ўз тасарруфида мақтабгача таълим ташкилотлари бўлган бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таъминлайди. Мазкур қонуннинг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мақтабгача таълим ва тарбия

соҳасидаги ваколатлари ифода қилинган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги мақтабгача бўлган ёшдаги болаларга давлат томонидан қафолатланган ҳажм доирасида бепул малакали тиббий ёрдам кўрсатилишини, ўз ваколатлари доирасида мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирилик билан биргаликда боланинг ёшига ва физиологик эҳтиёжларига мос келадиган, рационал ҳамда мутаносиб оқватлиниш учун мақтабгача таълим ташкилотидидаги тиббий махсулотлар тўпламини белгилайди, алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болаларни соғломлаштиришга қаратилган даволаш-соғломлаштириш, реабилитация, санитария-гигиена ва профилактика тадбирларини ўтказиши, мақтабгача таълим таш-

килотлари ходимларининг тиббий текширувдан ўтказилишини ташкил этади. Хусусан, давлат ҳар бир боланинг умумий ўрта таълим ташкилотига ўқишга киришидан бир йил олдин мақтабгача таълим ташкилотларида умумий ўрта таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтишга бўлган ҳуқуқини қафолатлайди. Қонунга мувофиқ, мақтабгача таълим ташкилоти давлат ва нодавлат ташкилот бўлиши, умумий турдаги, кўп тармоқли ихтисослаштирилган, инклюзив гуруҳларга эга ёки қўшма турдаги мақтабгача таълим ташкилоти бўлиши мумкин. Умумий турдаги мақтабгача таълим ташкилотининг умумий ривожлантириш йўналишидаги гуруҳларида, кўп тармоқли ихтисослаштирилган мақтабгача таълим ташкилотидида ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури амалга оширилиши таъминланади. Инклюзив гуруҳларга эга мақтабгача таълим ташкилотидида болаларнинг алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни соғлом муҳитга уйғунлаштириш орқали таълим ва тарбия олиши учун тенг имкониятлар яратиб берилди.

Қўшма турдаги мақтабгача таълим ташкилотидида ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларнинг ва ривожланишида нуқсонлари бўлмаган болаларнинг битта ташкилотда алоҳида гуруҳларда, шунингдек, инклюзив гуруҳларда биргаликда ўқишини ҳамда тарбияланишини ташкил этишга қаратилган мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури амалга оширилиши йўлга қўйилди. Мақтабгача таълим ташкилотлари қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа турларда ҳам ташкил этилиши мумкин. Мазкур ҳужжат нимаси билан муҳим деган савол туғилиши тиббий. Аввало, у болаларимизни ҳар томонлама етуқ ва интеллектуал салоҳиятини қилиб тарбиялаш, маънавий-эстетик, жисмоний жиҳатдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди. Давлат ва нодавлат мақтабгача таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтиради. Натижада мақтабгача таълимга болаларни қамраб олиш кўламини босқичма-босқич ошириш, уларга солиқ имтиёзлари ва перереференциялар, бюджет субсидияларини ажратиш, мақтабгача таълим-тарбиянинг муқобили шакллари жорий этишга қўмақлашади. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши тарихий аҳамиятга эга. Унда белгиланган вазифаларнинг ҳаётида ўз оқибатини топиши билан эртанги кунимиз эгаларининг янада қомил ва баркамол инсонлар бўлиб тарбияланиши қафолатланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

(Боши 1-саҳифада)

Айни пайтда “Олий Мажлисага “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” ширин остида бўлиб ўтган сайловлар орта қайтмас характер касб этган модернизация ва демократлаштириш жараёнидаги муҳим босқич экани” ҳақи равишда алоҳида таъкидланган. Марказий сайлов комиссиясининг ва бошқа ташкилотларнинг мамлакатимиз сайлов қонунчилигини янгилаш, сайлов жараёни иштирокчиларининг ахборот тизimini жорий этиш, сайловолди ташвиқотини янги форматда ташкил қилиш ва ўтказиш, кўп сонли халқаро ва маҳаллий кузатувчиларнинг, жумладан, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кузатувчиларининг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг сайловларда тўсиқликларсиз иштирок этишини таъминлаш, сайлов жараёни иштирокчиларининг сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш борасидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш каби йўналишларда амалга оширган ишларига юқори баҳо берилган. Шунинг билан бирга, халқаро кузатувчиларнинг миссиялари ва делегациялари томонидан сайлов қонунчилигини ва сайлов амалиётини янада такомиллаштириш, сайловларни чинакам демократик сайловлар бўйича халқаро стандартлар ва энг мақбул амалиётлар асосида ўтказиш борасида қатор тавсиялар тақдим этилди. Жумладан, ЕХХТ Парламент Ассамблеяси ва ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловларни кузатиш бўйича халқаро миссиясининг дастлабки натижалари ва хулосаларига оид баёнотида шахсини тасдиқловчи ҳужжатсиз овоз бериш, “бир кишининг бутун оила учун овоз бериши”, овозларни санаб чиқишдаги айрим қоидабузарликлар, хотин-қизларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини янада кенгайтириш зарурати, депутатликка мустақил номзодларнинг йўқлиги ва фуқаролик жамияти институтларига сайловларни кузатиб бориш имконияти берилмаганлиги борасида аниқланган айрим ҳолатлар ҳам кўрсатиб ўтилган. Марказий сайлов комиссияси тўла маъсулият билан маълум қиладики, халқаро кузатувчиларнинг хулосалари ва тавсиялари Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини ва сайлов амалиётини янада такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган режалар ва илчил ишларнинг асосидан жой олади, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси ушбу соҳада барча манфаатдор томонлар билан амалий мулоқотни давом эттиришга тайёр. Айни пайтда Марказий сайлов комиссияси бўлиб ўтган сайловларнинг натижаларини, шунингдек, халқаро ва хорижий кузатувчиларнинг баёнотларини сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш, баён этилган хулосалар ва тавсияларни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш учун синчиклаб ўрганишга ва уларнинг чуқур таҳлилини ўтказишга киришди. Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси бўлиб ўтган сайловларнинг якуний бўйича фикр алмашиш, энг муҳим тавсияларни ва уларни амалга ошириш йўлиларини кўриб чиқиш учун 2020 йилнинг иккинчи чорадаги миллий ва халқаро даражадаги барча манфаатдор ташкилотлар иштирокида халқаро конференция ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Пировардида Марказий сайлов комиссияси миллий қонунчилигини ва қонунларни қўллаш амалиётини янада мақсад – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўз хоҳиш-иродасини эркин ва ҳақиқатда билдиришини таъминлашга қаратилган халқаро сайлов ҳуқуқларига мувофиқлаштиришга доир ишларни давом эттиришга ўзининг қатъий тайёргилини таъкидлаб, сайловлар соҳасида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан амалий ишларни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни илчил давом эттиришга умид билдирди.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси

Янги биофаол препарат ўсимликлар касаллигининг олдини олади

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биология институтининг микроорганизмлар биотехнологияси лабораторияси мутахассислари томонидан қишлоқ хўжалиги ва иссиқхона экинларини касаллантирадиган фитопатоген замбуруғларга қарши юқори самарали “Биофунгицид” суспензияси яратилди.

Ишланма муаллифи биология фанлари доктори Бахтиёр Расуланин маълум қилишича, препарат таркиби ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини оширувчи фойдали бактериялар тўплами ҳамда уларнинг моддаларидан ташкил топган. Ундан фойдаланиш орқали тупроқларда сақланувчи ва ўсимликларни зарарловчи замбуруғлар кўпайишининг олдини олишга, ўсимликларнинг зарарланишини кескин камайтиришга эришиш мумкин.

– “Биофунгицид” суспензияси таркибидаги бактерия штаммлари гўзда фузариоз вилт чақрувчи қатор патоген замбуруғларнинг табиий қушандаси ҳисобланади, – дейди муаллиф. – Шунингдек, иссиқхона шароитларида кен тарқалган ва турли-туман агромиқикатларга чидамли, помидор, бодринг каби экинларда фузариоз, илдиз чириш, меваларнинг чириши ҳамда фитоптороз каби касалликларни чақрувчи замбуруғларнинг ривожланишига йўл қўймайди. Препаратни экин экишга тайёрланаётган ерга, экишга тайёрланаётган чигитта, униб чиққан ниҳолга сешиш мумкин. Мазкур восита қўлланилишида тупроқ таркибидаги замбуруғ споралари ривожланмайди, ўсимликларнинг ривожланиши эса кескин қучаяди. Мазкур препарат экологик тозаллиги ва арзонлиги билан хорижда ишлаб чиқарилган муқобил препаратлардан устун ҳисобланади.

Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Жорий йилнинг 24 декабрь куни Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Агробанк” АТБ томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда хорижий кредит линияларини жалб этиш борасида олиб борлаётган ишлар” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Хорижий кредит линиялари экспортчи тадбиркорларга мадад бўлмоқда

Унда “Агробанк” АТБ Бош офисининг раҳбар ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Анжуманда таъкидланишича, банк томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда хорижий кредит линияларини жалб этиш борасида 2019 йилнинг ўтган даврида республика ҳудудларидаги тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш учун жами 3,9 триллион сўм миқдоридида инвестиция кредитлари ажратилган.

Ушбу инвестиция кредитлари sanoat, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий таъминот ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бошқа соҳаларга ҳамда қурилиш, транспорт-коммуникация тармоқларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Жорий йил давомида банк томонидан Қашқадарё вилоятидаги “Китоб ип йигирув” АЖнинг қиймати 27 миллион АҚШ долларлик, йилига 38 миллион АҚШ доллар миқдоридида 11 минг 200 тонна калава-ип ва 10 миллион погонометр ёки 15 миллион АҚШ доллар миқдоридидаги тайёр мато махсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаси молиялаштирилган.

Шунингдек, Бухоро вилоятидаги “Вобкент тола кластер” МЧЖнинг қиймати 25 миллион АҚШ долларлик, тўқимачилик кластер фаолиятини ташкил қилиш учун Германиянинг “Тручлер” компаниясининг йилига 9 минг 900 тонна ёки 30,7 миллион АҚШ доллар миқдоридида калава-ип ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳасига кредит ажратилган.

Бундан ташқари, Тошкент вилоятидаги “Максим голд текс” МЧЖнинг қиймати 9 миллион АҚШ доллар миқдоридидаги йилига 9 минг 300 тонна ёки 15 миллион АҚШ долларлик калава-ип ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаси молиялаштирилган.

“Агробанк” АТБ томонидан “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасида жойлашган “Сирдарё мега люкс” МЧЖнинг умумий қиймати 60 миллион еврога тенг миқдоридидаги полипропилен гранулалардан йилига 25,5 минг тонна биоаксал плёнка ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаси ҳам жорий йилда молиялаштирилди.

Мазкур ишлаб чиқариш корхоналарининг бизнес лойиҳаларининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида жойларда кўплаб янги иш ўринлари яратилиши билан бир қаторда, у ерда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар экспортга ҳам йўналтирилмоқда.

Ҳозирги кунда Агробанк 12 дан ортиқ хорижий банклар билан вакиллик алоқалари ҳамда 10 дан зиёд халқаро молия институтлари билан кредит линия маблағларини жалб қилиш бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйган.

Хусусан, жорий йилда Германиянинг Ландесбанк Баден-Вутенберг билан 42 миллион АҚШ доллар, Коммерсбанк билан 25,7 миллион АҚШ доллар, Хитойнинг Эксимбанки билан 20 миллион АҚШ доллар ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Испом корпорациясидан 6,1 миллион АҚШ доллар миқдоридида маблағлар жалб қилинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг суверен облигацияларини жойлаштириш ҳисобидан келиб тушган маблағлар ҳисобидан 30 та инвестиция лойиҳасига 110 миллион АҚШ доллар миқдоридида кредит маблағлари ажратилган.

Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Мамлакатимиз аграр соҳасига намунавий техник хизмат кўрсатиш марказлари тизimini яратишга жиддий эътибор берилмоқда. Шу мақсадда 2018 йилда қишлоқ хўжалиги махсулотлари этиштирувчиларга 33 700 дан ортиқ техникалар етказиб берилди.

Техника - деҳқоннинг қаноти

қачонки, ундан тўғри фойдаланилса...

Шунингдек, фермер ва деҳқон хўжалиқларида Россия, Хитой, Германия, Туркия ва бошқа давлатлар ташаббуси билан узоқ муддатли имтиёзли кредитлар берилди ва қўшма корхоналар ташкил қилинди. Техникаларни таъмирлаш устаноналарига етказишнинг 80 фоизгача бўлган йўл харажатлари ҳам давлат томонидан қопланмоқда. Хўжалиқлардаги техникаларнинг ишлаш муддатлари таҳлили шуни кўрсатадики, 10 йилдан ортиқ хизмат қилган техникалар 65,4 фоизни ташкил этса, 44100 дона ёки 16,9 миң қишлоқ хўжалиги техникалари бутунлай эскирган. Шу боис, фермер ва деҳқон хўжалиқларини сифатли, замонавий, арзон, ишончлилик, агротехник ва эксплуатацион кўрсаткичлари юқори бўлган техникалар билан таъмирлаш устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари паркиннг 65 фоиз маънан ва жисмонан эскирган бўлиб, иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва тежорлик билан янгилаштиришга муҳтож. Фермер, деҳқон ва сув хўжалиқларида фойдаланиладиган “Ақлли” машина, механизм ва агрегатларнинг техник ва ишончлилик кўрсаткичларининг юқори бўлиши, техник

хизмат кўрсатишга, таъмирлаш, сақлаш ва диагностикалашга мосланганлиги юқори бўлишига боғлиқ. Юқоридаги сабаблар туфайли қишлоқ хўжалигини замонавий ва энергия тежамкор, фойдаланишга, ишлатишга, таъмирлашга, сақлашга ва диагностикалашга мослашган “Ақлли” қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва мелиорация техникалари билан таъмирлашда бир қатор тизимли муаммолар мавжуд.

Республикамиз туманларида қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, шунингдек, машина-трактор паркларини, устаноналар ва техник хизмат кўрсатиш моддий-техник базаси, асбоб-ускуна, жиҳозларини янгилаш бўйича чора-тадбирлар белгиланишини тақозо этади.

Фермер, деҳқон, сув хўжалиқлари “Ақлли хўжалиқлар” бўлиши учун, улар фойдаланадиган машиналар ва минитехникалар конструкциялари такомиллашган, жаҳон стандартларига мос, ишончлилик кўрсаткичлари юқорилиги, техник хизматта, таъмирлаш ва сақланувчанликка, диагностикалашга мосланган бўлишига керак. Шунинг билан бирга машиналарнинг техник ҳолати ҳар доим шай ва ишга яроқли ҳолатда соз бўлишини таъминлаш учун хўжалиқларда,

туман ва вилоят ҳудудларида уларга техник-хизмат кўрсатувчи моддий-техник базалар ва техник марказларининг ва кўчма устаноналарнинг мавжудлиги катта аҳамият касб этади. Инсонлар қачон тинч, ҳаловатда бўлиши мумкин, қачонки у соғ ва саломат бўлганида. Деҳқонларимиз, фермерларимиз

миз эса, ўзи ишлатаётган машина, механизм, агрегат ва асбоб-ускуналарни ишга шай, соланган, фойдаланишга яроқли бўлган тақдирдагина натижага эришади. Шундангина, у машиналар ёрдамида агротехник талабларни тўлиқ, сифатли бажара олиши ва ҳосилдорлик бўйича кўзланган режаларга эришиши мумкин. Шунинг учун машиналарга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, сақлаш, диагностикалаш, деталлар ресурсини тиклаш бўлимларидан ташкил топган моддий-техника марказлари туман ва вилоятларда ташкил этилиши керак.

Механизаторлик энг шарафли касблардан бири. Чунки, ушбу касб эгалари оғир кўл кучи (кетмон, белкурак, болта, теша, арра ёрдамида) билан бажариладиган машаққатли дала ишларини трактор, экскаватор, пахта териш, комбайнлар, сеялка ва бошқа машиналар зиммасига, елкасига юклайдилар ва уларнинг ресурсларидан самарали, тўлиқ фойдаланишга эришиш учун ҳаракат қиладилар.

Шунинг учун аграр соҳа тизимларидаги хўжалиқларда фойдаланиладиган машина, механизм, агрегат ва насосларнинг техник кўрсаткичларини ошириш бўйича юқоридаги тавсияларга эътибор

берилиши керак.

Муҳтасар қилиб айтганда, аграр соҳа хўжалиқларидаги ишларнинг механизациялаш даражасини ошириш, машиналарни такомиллаштириш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, сақлаш ва диагностикалаш учун моддий-техник базаларини яратиш ва деҳқончилик маданиятини оширишда республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларининг ҳар бир жабҳаларида бўлаётган ўзгаришлар қаторида, аграр соҳа хўжалиқларидаги машина ва механизмлар ресурсларини тўлиқ фойдаланиш, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, сақлаш ва диагностикалаш жараёнидаги модернизациялаш лозим. “Узро-техсанотхолдин” АЖ корхоналарида тайёрланаётган ва хорижда кептирилаётган машиналар фермер, деҳқон ва сув хўжалиқлари талабларига мос келадиган конструкцияга эга бўлиши керак.

Республикамизнинг қатор олий юртларида аграр соҳани механизациялаштириш, машиналарнинг агротехник ва ишончлилик кўрсаткичларини такомиллаштириш йўналишида илмий-тадқиқот ва ўқув ишлари олиб борилмоқда ва тавсиялар яратилмоқда.

Соҳадаги муаммоларнинг амалий ечим ва натижаларини республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида назарда тутилган. Унга кўра, ер, сув, машина-механизмлардан оқилона, самарали фойдаланиш, уларни такомиллаштириш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, сақлаш ва диагностикалаш бўйича моддий-техник базалар яратилиши зарур. Буларнинг барчаси қадрлар масаласини ҳал этиш, илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш бўйича устувор йўналишларни белгилаб олиш билан боғлиқдир.

Шукрулло ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, академик,
ТИҚХМН “ТИМ” кафедраси профессори.

Боши 1-саҳифада

Туман ҳокимининг аграр масалалари бўйича ўринбосари Орифжон Мадалиев билан бўлиб ўтган суҳбатимизда кўп нарса...

“Алёртекс” пахта-тўқимачилик кластери томонидан йигирмага яқин янги техника келтирилди. Усимликни қўшимча тарзда озиклантириш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Пахта-тўқимачилик кластери ана шу тамондан келиб чиққан ҳолда иш юртиш ва ҳосилдорликни босқичма-босқич кўтариш мақсадидда давлатимиз раҳбари томонидан қўйилётган вазифалар ижроси қанчалик тезлашса албатта, иқтисодий

Рақобат бор жойда барқарор юксалиш бўлади

юксалиш бардавом бўлади. Айни дамда йигирув-тўқув фабрикасининг иккинчи навбатини ишга туширишга ҳозирлик кўрилмақда. Бу билан 250 киши мунтазам ишли бўлади.

ва узум етиштириш учун қўлай шароит бор, кўлаб боғбонлар ва соҳибкорлар етиштираётган маҳсулотлар сифат жиҳатидан олдинда туради. Туман миқёсида 1717 гектар боғ ва тоқзор борки, уларнинг парваришини интенсив технологияга мослаштириш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

Умиджон даласи” фермер ҳўжалигида сўнгги икки йил давомида Европа Иттифоқи гранти асосида уруғлик картошка етиштирилди. Эртаки ва кечки картошка етиштиришда илғор тажриба қўлланилдики, натижа қўнгандан зиёда бўлди.

ва шартнома режаси 113,32 фоизга адо этилди. Ҳар гектар ердан давлат оғиборага етказиб берилган галла ўртача 39,3 центнерни ташкил этди.

Кўтлов

Advertisement for O'ZAGROSUG'URTA AKSIYADORLIK JAMIYATI. Text: Siz, azizlarni, ko'p millatli xalqimizni Yangi yil bilan samimiy MUBORAKBOD ETAMIZ. Includes logo and website agros.uz.

Шу азиз Ватан барчамизники!

Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, отабоболаримизнинг босиб ўтган умр йўллари, уларнинг она тупроқ учун қилган фидокорона меҳнати, жасоратини кўз ўнгимизга келтирамиз ва фахрланамиз. Бу туйғу ҳар бир ватандошимизнинг қалбига кириб борган, албатта.

“Ватандин яхши ёр ўлмас”

Мухтарам Президентимиз “Ўзбекистон Республикаси Қуролли қучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойишини имзолади.

Ватан таркини бир нафас айлама, Ани ранжи-ғурбат, ҳавас айлама.

Донолар айтадилар: “Кишининг вафодорлиги ва садоқати унинг ўз Ватани учун қайғуришидан, дўстларини соғинишидан ва умрининг зое кетказган лаҳзаларига ачиниб, ўкиниб яшайдиган билинади”.

Эълонлар

- List of various advertisements including Evergreen Agro, AB Pharm, and others with contact information and services offered.

Advertisement for «ДУНИЁ-М» акциядорлик жамияти жамоаси. Text: «ДУНИЁ-М» акциядорлик жамияти жамоаси ватандошларимизни, шу жумладан, донни қайта ишлаш саноати ходимларини яқинлашиб келаётган янги 2020 йил муносабати билан муборакбод этади ҳамда туришкор деҳқонларимизнинг келгуси йилда бунёд этажак ҳосил хирмонлари янада юксак ва баракали бўлишини тилайди.

Азиз юртдошлар!



"ДЕҲҚОНОБОД КАЛИЙ ЗАВОДИ"

акциядорлик жамияти жамоаси

Сизларни кириб келаётган Янги йил байрами билан табриклайди!
Сизларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва оилавий бахт тилайди!

Янги йил муносабати билан 2020 йил 10 январгача корхона ўз маҳсулоти – калийли ўғитларни 10 фоизгача арзонлаштирилган нархларда республиканинг қуйдаги шаҳар ва туманларидаги омборлардан чекланмаган миқдорда биржа савдолари орқали сотилишини эълон қилади:

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Асака тумани,
Жалақудуқ тумани,
Шаҳрихон тумани

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Жондор тумани

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Пахтакор тумани

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Навбахор тумани,
Хатирчи тумани

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Мингбулок тумани,
Поп тумани,
Турақурғон тумани

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Самарқанд шаҳри,
Каптақурғон шаҳри

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Сайхунобод тумани

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Термиз шаҳри, Денов шаҳри

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Ўрта Чирчиқ тумани,
Чирчиқ шаҳри

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Олтиариқ тумани,
Қўқон шаҳри

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Урганч шаҳри

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Нишон тумани

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: +998 75-612-50-32, +998 75-612-50-49



«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси яқинлашиб келаётган Янги 2020 йил билан барча юртдошларимизни самимий табриклайди. Мамлакатимиз равнақи, халқимиз тинчлиги йўлидаги эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайди.

Шу билан бирга қулай ва дароматли бўлган
"КУНДАН КУН ЯХШИ"

жангарма омонат турини тақлиф этади!
Ушбу омонат муддати ва фойзалари Сиз истагандек белгиланади!
Омонат набағлар нақд ва пластик карталар, ҳамда «Mkb mobile» иловаси орқали қабул қилинади



Янги – 2020 йил байрамингиз
муборақ бўлсин!

Қўшимча маълумотларни банкнинг ҳудудий филиалларидан ёки
(71) 202-99-99 рақами
• www.mkb.uz сайтидан олишингиз мумкин
УНУТМАНГ, МАБЛАҒИНГИЗ ИШОНЧЛИ САҚЛАНИШИ ДАВЛАТ
ТОМОНИДАН КАФОТЛАНГАН!

Хизматлар лицензияланган

"Ўзагротексаноатхолдинг" акциядорлик жамияти тизимидаги "ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ" акциядорлик жамияти

қуйдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини буюртма асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

1. Турли русумдаги замонавий ва барча қулайликларга эга тракторлар (8 турда)
2. Пахта териш машиналари (3 турда)
3. Тиркамалар.



Эслатма: ушбу қишлоқ хўжалиги техникалари хоризнинг машҳур компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган бўлиб, турли афзалликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.



Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси 434-уй.
Мўлжал: (собиқ ТТЗ корхонаси.) Телефонлар: (71)264-08-12, (71)264-77-48. Info:@ TZST.uz.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.

QISHLOQ
HAYOTI

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ,
Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Актам ХАЙТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Раимкул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47,
Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35,
Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49,
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:
Андижон – (+99893) 630-73-03;
Бухоро – (+99891) 401-29-59;
Жиззах – (+99893) 940-10-78;
Навоий – (+99891) 332-50-99;
Наманган – (+99893) 948-53-96;
Фарғона – (+99890) 407-78-03;
Самарқанд – (+99893) 349-54-39;
Сирдарё – (+99894) 168-23-60;
Сурхондарё – (+99890) 520-20-05;
Тошкент – (+99890) 976-39-58;
Хоразм – (+99897) 790-47-61;
Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-1225, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қўғоз бичими А-2.

Манзиллиги: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета тахририятининг ўзида компьютерда терилди ва
дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

3 599 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топириш вақти: 21.00
Босишга топирилди: 01.00

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ